



ЭШЛӘНЧИ

Ўзбекистон комсомол-
ёшлари рўзномаси

1991 йил

20 февраль

Чоршанба

№ 29 (13.715)

Баҳоси: 6 тийин.
Обуначига: 10 тийин.
Сотува: 10 тийин.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

السلام عليكم، عزيزي مشترى!

«ЎЗБЕКИСТОН КАТТА ЭКАН!»

ТАНЛОВ АСОСИДА ЯҚИНДАГИНА ПАРВОЗ БЕКАЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИМИЗНИНГ УЧИШДАН ОҚЛАН ДАСТАБКИ ТААССУРОТЛАРИ АНА ШУНДАЙ

Таня, Наташа, Ира, Надя, Валя... Шу пайтгача тайёрларда жумҳуриятимиз маҳаллий ва марказий ҳаво йўнал-шларида йўловчиларга хизмат кўрсатаётган борт кузатувчилари рўйхатда деярли шундай исмларни учратиш мумкин эди. Яқиндан бошлаб улар қаторига етти нафар ўзбек қизлари қўшилди. Улар: Нилуфар, Салима, Ирода, Дилфуза...

Зарасини кузатиш нақадар маънавий. Қалбингни касбдан фахрлиниш туйғуси чуқур оларкан. Ҳамма осовишта уй-қуда. Сен эса парвоздасан. Манзилга отланган йўловчиларга хизмат кўрсатаясан. Тайёра биринчи галда сенинг уйинг йўловчилар эса меҳмон. Мезбон қандайлиги қараб меҳмон ўзини шундай тутар экан. Борт кузатувчилари тақсимловчиси Карима МУСАЕВА суҳбатга қўшилади.

Бу ҳақда рўзномамизда ёзилган эди



Сувоиқул РУСТАМ, «Ёш Ленинчи» махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: ўзбек парвоз бекалари иш устида ва узоқлар даврасида.

И. ШЕРБЕК олган суратлар.

ҲЕЧ КИМ БЕТАРАФ ЭМАС

Шўро қўшинларининг Афғонистон тупроғидан олиб чиқилганига ҳам икки йил тўлди. Ушбу санага бағишлаб Тайёрасозлар маданият саройида дин аҳли, жумҳурият Қизил ярим ой жамияти, «Бурч» — ҳалок бўлган байналмилал жангчилар оналари томонидан тўзилган қўмита акавилари билан «афгон»ларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувни жумҳурият байналмилал-жангчилар уюшмасининг раиси В. Мельничук қисқача кириш сўзи билан очди. Покистон ва Афғонистондаги мухождилар қўлида уч юздан зиёд шўро аскари асирликда ушлаб турилибди. Улар орасида жумҳуриятимиздан хизматга қақирилган 36 нафар йигит ҳам бор. Утган йили уч йигитимиз Ўзбекистонга қайтиб келди.

Бандиларнинг (марказий матбуотда ёзилишича) исми-шарифлари маълум. Аммо уларнинг қайси лагерларда сақланганлиги тўғрисида аниқ маълумот йўқ. «Красная звезда», «Аргументи и факти» рўзномаларида ҳатто собиқ шўро аскарларининг суратлари ҳам чоп этилди.

Исломи дини ўз номи билан тинчлик демократияси, — деди ўз сўзида Урта Осиё ва Козогистон муслмонларининг диний бошқармасидан учрашувга келган Лутфулла қори. — Динимиз ҳар қандай қирғинбарот, биродарқўшлик урушларнинг олдини олишга ҳаракат қилиб келаяпти ва бундан кейин ҳам шу ишни давом эттираверади. Афғонистон жабр-дийдаларига ислом ҳеч қачон бефарқ қараган эмас, ақинча, уларга қўлидан келган ҳар қандай ердани бериб келмоқда.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ! ПАРВОЗ БЕКАСИ БУЛМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

Тошкент тайёрагоҳи учини мажмуаси ўзбек, рус тиллардан бирини билса, яна яхши тилларини биладиган 18-24 ёшдаги маҳаллий қизларни борт кузатувчиси касбига қабул этиш учун танлов эълон қилади. Унда олдин ва ўрта маълумотли қизлар қатнашишлари мумкин. Ҳоҳловчилар эълон чиққан кундан — бошлаб 18 мартгача қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Локомотив кўчаси, УТЦ-3, 5-қavat. Танлов ҳайъати. (Тошкент тайёрагоҳи олдида). Телефон: 55-71-79.

...Яқиндагина талабчан ҳайъатнинг саволларига жавоб бериш учун йиғилиб, ҳажжонаниб турган қизларнинг юришлари бугун дадил. Эгиларида парвоз бекасининг чиройли либоси. Улар билан суҳбатлашамиз.

Нилуфар САИДУЖАЕВА: — Кеча йўриқимиз Матлуба Сотиболдиева билан Урганча бориб келдим. Шу кунни Фар-



БАҲОР ЭШИК ҚОҚМОҚДА

ҚАШҚАДАРЕ вилоятида баҳор нафаси сезилмоқда. Ойи ҳавонинг бу қадар яхши келиши далавларда беда экишни бошлаб юбориш имконини бериб, Калинин номи давлат хўжалигининг деҳқонлари биринчи бўлиб мавсумни бошладилар. Хўжаликда ярим мийг гектар бедано бор эди, унинг ёнига пахта майдоларини, қисқартириш ҳисобидан яна 186 гектар ер қўшилди.

Қуриқ хўжаликда эндиликда ем-хашак етдириш мустақил соҳа қилиб қўйилди, уни ривожлантириш вазифаси 12 та хўжалик ҳисобидан жамоага топширилди.

Президентлик Кенгашининг Ўзбекистон миллий-маданият марказлари фаолияти ва улар ишини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳофизат қилинди.

Кенгашда иқтисодий турмушнинг янгилаш борасида республикада рўй бераётган жараёнлар Ўзбекистонда яшайтган барча миллат ва элатларнинг эҳтиёжларини қондиришга доир тадбирлар билан бирга амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Бунга жумҳуриятимизда ташкил қилинган ва миллий маданиятни, аъёнларини, тил, халқ хўшамандчилигини ривожлантиришга, мамлакатимизда маданий алоқаларни ўрнатди ва қўллаб-қувватлашга даъват этилган 37 та миллий-маданият маркази кўмаклашмоқда.

Шу билан бирга, кенгашда жумҳуриятимизда яшайтган миллий гуруҳларнинг маданий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш имкониятларидан хели етарли даражада фойдаланилаётгани айтилди.

Баъзи халқ депутатлари маҳаллий Шўролари, жумҳурият вазирилари ва идоралари, фирма органлари Ўзбекистон ақолисининг кўп миллатли эканлигини ҳисобга олиш борасидаги ишларни суэт қайта кўрмоқдалар.

Ана шу барча ишларни таъкомиллаштириш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Шўроларга, вазириларга ва идораларга, партия ва бошқа жамоат ташкилотларига муайян шартнома асосланган ҳолда миллий гуруҳлар ва уларнинг марказлари ўртага қўйилган иқтисодий-маданий ҳамда маданий муаммоларни ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўриш тавсия қилинди. Бу ишга миллий маданиятнинг ҳар бир халқнинг ўзига хос одатларини сақлаш ва ривожлантиришининг, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришининг муҳим омилли сифатида қараш кераклигини таъкидланди.



Ташвиқот поезди йўлда

Ҳозир кимнинг сўзига қулоқ тутсанг: «Меҳр-қўриқат йўқолиб боряпти! Ҳаммагинг дарди бир, оқ қорнинг, тинч қулоғим!» деганга ухшаш гаплар. Бир томондан қарасанг, бу гаплардаям жон бордир. Биргина мисол: болалар уялари! Бундай қўйлар ва унинг «фэрзанд»лари йилдан-йилга камайиш ўрнига кўпайиб бормоқда. Ҳозирда қўйларнинг ҳам «етим» болаларининг ҳам сони, энг оғир уруш йилларига нисбатан уч-тўрт хисса ошиб кетган. Буни ҳар ким ўзича шарҳлейди. Биров «қоқбатсизлик» деса, яна биров «тўқликка шўхлик» дейди. Кимдир «иктисодий танглик»ни сабаб қилса, яна кимдир «камиятнинг нобол»лигини писанда қилади. Ишқилиб, нима бўлганда ҳам шу иллат бор. Ҳозирча иллатдан қутулишнинг йўлини топмаган эканмиз, ҳеч бўлмаса, беғуноҳ норасидаларнинг кўнглини олайлик. Уларга баҳоли қудрат моддийи, маънавийи мадад берайлик. Ана шу ниятда Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитаси хо-

димларининг саяё-ҳаракатлари билан «Меҳр-қуруват» ташвиқот поезди ташкил этилган эди. Ташвиқот поездининг биринчи босқичи: Фарғона vodiysi вилоятлари ва ноҳияларида ўтди. Навбатдаги сафар Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, ноҳияларида жойлашган болалар уяларига бўлади. Биз ушбу ташвиқот поездида йўлга отланаётган гуруҳ раҳбари Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасининг ёшлар таълими бўлими йўриқчиси Сергей Максимов билан мулоқотда бўлдик.

— Бу галги юришимизни буюқ ўзбек алломаси, ҳазрат Алишер Навоий номи билан аталувичи шаҳарда, шоирнинг юбилейига бағишланган катта тантаналарда иштирок этишдан бошламасанми, — дейди у. — Поездимиз, бир неча вилоят ва ноҳиялардан ўтди. Сафимизда шоир, азувчилардан тортиб, халқ таъботати вакиллари, таниқли санъат усталаридан тортиб, сийасатдонларгача бор. Ҳаммаимизнинг ниятимиз бир: озгина бўлсада, ўқис кўнглиларга «малҳам» бўлиш. Бироз бўлсин уларнинг дардларини енгилатиш...

Шундай қилиб «Меҳр-қуруват» ташвиқот поезди кеча йўлга чиқди. Улар нафақат болалар уяларида, балки мактаб-интернатлар, ногиронлар, қариялар уяларида ҳам бўлиб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатадилар. Агар сизнинг кўнглингизда ҳам бу савоб ишга қўшилиш нияти туғилса, марҳамат! Уларга қўшилишингиз мумкин.

Исломи ҲАМРО, «Ёш Ленинчи» махсус мухбири, ташвиқот поезди қатнашчиси.

СУРАТДА: ташвиқот поезди қатнашчиларидан бир гуруҳи. И. ШЕРБЕК сурати.

02 хабар қилади

Қарши шаҳридаги 4-хунара-техника билим юрти ўқувчиси 19 ёшли А. Дилшод ўрганаётган касбини эмас, шумлигини синиш мақсадида ёнига 18 ёшли бекорчи Т. Олғини олиб туниги соат 4 ларда М. Адаволовнинг хонадонига бостириб кирди. Пичоқ ўқталиб, 300 сўм пул талаб қилишди. Рад жавобини эшитишга, уй эгасининг жеперини тортиб олишди. Миллиция ходимлари ҳаракати билан инқови ҳам ушланди.

Кўвни пайғамбарлар улуғлашган, дейишди. Ушбуга амал қилган тошкентлик 62 ёшли нафақадор А. Дилшоднинг шўри қурди. Кеч соат 9 ларда унинг эшигини тақиллатганлар қувидан хат олиб келганини айтишди. «Меҳмон»лар ичкарига кириб олишга, зўравонлик билан мезбоннинг 1100 сўм пул, 575 сўмлик заём, 9 хил заргарлик буюмлари ва инқита хочни олиб кўздан қўйиб бўлишди.

Ғ. БОЛТАБОВ, миллиция капитани.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● ЯҚИНДА Бону телевидениеси Туркия «ойна» мажонини ҳам кўрсата бошлайди. Туркия ҳукумати Озарбайжонга, ана шу кўрсатуларини олиб берадиган инқита станцияни тортиқ қилди. Ҳозирги кунда, деб хабар қилади «Бакисий рабончи» рўзномаси телемарказ қўшни мамлакатдан курсатуларни қабул қилиб олмақда, ва у яқинда томошабинлар эйтиборига ҳавола этади.

● ПАРИЖДА Россия хотин-қизларининг ойнамаси «Натали (Санкт-Петербург — Париж)» нашр этила бошланди. Бу ойнаманг чоп этишдан мақсад жамиятнинг асосий қулиридан бири бўлган аёллар қалбиде меҳр-муҳаббат, тинчликка даъват, оилаларароликка янада кўпроқ эътиборни қаратишдир. Уни совет журналистлари Прагадаги ҳамкасблари билан биргаликда тайёрлайдилар.

● НАТАЛИ ойнамасининг доимий муштарилари Францияда доимий ўйналадиган лотореянинг қатнашчилари ҳам бўладилар.

● ҚИРГИЗИСТОН Президентни А. Акаев В. И. Ленин марказий музейининг жумҳурият пойтахтидаги филиалини сотиб олиш ҳақида фикр билдирди. Бу вни КПСС Марказий Қўмитаси бюджетиде туради. Уни Халқлар Дўстлиги уйига айлантириш мақсада мувофиқ, деб ҳисобланмоқда.



Элга малхам бўлмок

Ҳаётимизни шифокорсиз тасаввур этиш қийин. Шу боисдан унинг ёрдамига эҳтиёж сезасан дарҳол хузурига шошилмайсан. Эгулик — меҳрири оширади дейишади. Ширин сўздан эса меҳр товланади. Шифтга термулиб этиб, ҳаётдан умидсизланган, тақдирга тан беришдан ўзга иложи қолмаган бемор шифокорнинг фақат малҳамга эмас, ширин сўзига ҳам муҳтож. Ҳасталик чекина бошлагач, қалби севинчга тўлади, ҳалоскорига раҳмат айтгиси келади. Зеро, шифокорнинг ҳам олий мақсади элга малхам бўлмоқлик, бемори қалбидан муносиб ўрин олиш. Насбига муҳаббат қўйган садоқатли шифокоргина қанчадан-қанча бемор тунлари эвазига ҳурмат қозонади, обрў-эътибор топади.

Ҳафта давомида олган миннатдорчилик мактубларини ўқиб, бунга яна бир бор иқрор бўлдим. Қувончини муштарийлар билан баҳам қилиш умидида бизга хат йўллаган Наманган вилояти, Задарё ноҳияси «Наманган» давлат ҳўжалигининг 1-бўлимида истиқомат қилувчи Шарофат Ийиталиева ёзади: «Улуғбекни ўлим чағалидан олиб қолган вилоятдаги 2-болалар касалхонасининг жарроҳлик бўлими мудири Н. Ҳақимов ва шифокорлардан А. Абдуғафоров, Н. Аҳмедов ва реанимация бўлими бошлиғи С. Геранслар болаларни сидқидилдан даволашларига амин бўлдим. Чилласи чиқмаган чақалогим оғир ҳасталикка учраб ўзини билмай қолганда шифокорлар боламни ҳаётга қайтарди...»

Баъзилар ҳасрати, дардини хатта тўкиб солишган. Шифо излаб бормаган жойи қолмаган, юқори ташкилотлардан сўраган ёрдамлари бошига калтак бўлиб тушгани ҳақида ҳам куйиниб ёзишмоқда. «Дард берган эгам наҳот давосини нурутган бўлса? Нега энди азоб бору, малҳам йўқ?», — дея зорланишди улар.

Хануз ёдимда. Мактабда ўқиб юрган чоғимизда Мичуриннинг «Биз табиятдан инъом-оҳсон кутиб ўтирмаймиз, балки ундан тортиб оламиз», — деган гаплари табиат қонаси элги пештоқига катта-катта ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Унинг бу гаплари неча авлодга сингдирилди. Табиатга нисбатан зўравонлик нима оқибатларга олиб келган эса аён.

Тоғу-тошларда ўсадиган доривор гиёҳлардан малҳам тайёрлаб беморларни даволаётган табиб Ортиқбой Қозоқов ҳақида Х. Мадалимов хатидан билиб олдим: «Синглим саккиз йилдан бери аллергиядан азоб чекади. Ҳар йили тери касалликлари шифохоналарида этиб даволанади. Дарди ҳеч қандай ўзгариш сезилмади... Табибга борганимизда синглимнинг аҳволи анча оғир эди. Бир ҳафта ўтгач эса яхши томонга ўзгара бошлади. Орадан бир ой ўтар-ўтмас бутунлай соғайиб кетди. Ортиқбой ака асосан тери касалликлари, бевосили даволашлари яхши натижа беришти. Малҳамлари асосан доривор гиёҳлардан. Даво истовчилар бўлса у кишини Андижон вилояти кардиология диспансери қошидаги «Нардиолог» ширкатида топишлари мумкин».

Кези келганда айрим мактуб муаллифлари пуллик даволаш масканлари фаолиятларидан норозилиklarини айтиб ўтиш жоиздир. Шифо илминда келган беморлар даво тополмай ҳам ҳамёнидан, ҳам соғлиғидан айрилмоқда. Ана шу масканларда бемор даво топгачина у билан ҳисоб-китоб қилиш айти мўддао эканлигини куйиниб ёзишмоқда. Маскан фаолиятини назорат қилувчи мутасаддиларидан ягона истаклари ҳам шу.

Хуллас, мактубларни ўқиб адоғига етмайсан. Ўзга сайёраликларми, «барабаш»ми, хонадонларда содир бўлаётган янада сирли жумбоқлар, гаройиботлар... Бизни мамнун қиладигани эса хатларнинг қўлтиги, уларда кўтарилган масала ва муаммоларнинг хилма-хиллигидир. Демак муштарийларимиз рўзномамизга бефарқ эмаслар, унга ишондилар, умид қиладилар, кутадилар...

Лола СОАТОВА,

Хатлар ва ошмағий ишлар бўлими муҳбири.



Пойтахтнинг «Интурист» маданият-ахборот марказида ноҳия муаллимлари беллашувларининг ғолиблари ўртасида «1991 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Улар тўққиз нафар: Эътибор Исमतова — Собир Раҳимов ноҳиясидаги 146-мактабнинг тил-адабиёт ўқитувчиси, Татьяна Бурцева — Фрунзе ноҳиясидаги 72-мактабда рус тили ва адабиёти фанидан сабоқ беради, Назира Ғуломова — Акмал Икромов ноҳиясидаги 197-мактабнинг тил-адабиёт муаллимаси, Галина Данильченко, — Куйбишев ноҳиясидаги 27-мактабда мусиқадан дорс беради, методист-ўқитув-



Муаллимлар баҳси

чи. Дилмурод Мирзаев — Ленин ноҳиясидаги 154-мактабнинг меҳнат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Адиса Ҳошимова, — Киров ноҳиясидаги 24-билим юртида ўзбек тилидан дорс беради, Игорь Бердичевский — Киров ноҳиясидаги 5-мактабнинг физика ўқитувчиси, Жасура Раҳматуллоева — Чилонзор ноҳиясидаги 178-мактабда рус синфларига ўзбек тилидан сабоқ беради, Татьяна Таранова — Сирғали ноҳиясидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси.

Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган мазкур тадбирда муаллимлар келажак ўқув даргоҳининг қандай бўлиши, қутилмаган ҳолатларда ўзларини қай тарзда тута олишлари мумкинлигини баён этиб иккунчи қўбилиятларини намойиш қилдилар. Шу билан бирга мактаб муаммолари, ўқитувчининг дарди хусусида сўзладилар. Куйбишев ноҳиясидаги 27-мактаб муаллимаси Галина Данильченко танлов ғолиби, деб топилди.

«Биз савадо дўконларининг хувиллаб қолаётганига, рас-таларининг бўм-бўшлиғидан эмас, балки ўқувчи қалбининг

бўшлиғидан қийналишимиз келар. Уларнинг мурғак қалбларига меҳр-оқибат уруғларини жойлайлик, уларни жоҳилликдан асрайлик. Бор куч-имкониятимизни мана шу хайрли ишга сарф этайлик. Беллашув қатнашчиларидан бирининг залдагиларга қарата айтган сўзлари назаримда бarchанинг дилидаги дордин ифодалаган эди.

«1991 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танлови шаҳар миқёсида илк бор ўтказилди, — дейди пойтахт халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев. — Албатта, тадбирни камчиликлардан буткул ҳоли, деб бўлмайди. Бектемир, Ҳамза ва Октябр ноҳияларида ғолиб чиққан муаллимларимизнинг кўрик-танловда иштирок этишмагани таважжубланарли. Нуҳсонлардан тўғри хулоса чиқариш, келгуси ишларимизга замин яратса ажаб эмас.

Мўхаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: «1991 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» кўрик-танловидан лавҳалар.

МУАЛЛИФ суратга олган.



Акс-садо

Исон учун Ватан энг муқаддас, муътабар ва азиз днёр. Асрлар оша улуг шонларнинг дилбар ғазаллари ҳам, мутафаккирларнинг оташин каломлари ҳам Ватанин кўз қорачиғидек асрашга даъват бўлиб жаранглаб келганлиги бежиз эмас. Рўзномамизда 1990 йил 20 декабрь сонинда чоп этилган тарих фанлари номзоди, доцент Шоди Каримовнинг «Ватан туйғуси» сарлавҳали мақоласи муштарийларимизда кенг қўламда акс-садо берганлиги ҳам шундан бўлса керак.

Қуйида муштарийларимиздан мазкур мақолага муносабат билдириб йўлланган хатларнинг бир қисмидан сатрларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Биз, Тошкент халқ ҳўжалиги олий билимгоҳининг ФЦ-91 гуруҳи 1 курс талабалари рўзномангизнинг 1990 йил 20 декабрь сониндаги «Ватан туйғуси» сарлавҳали мақолани ўқиб, таҳлил қилдик. Бу мақола бизга жуда манзур бўлди. Ҳар биримиз мақоладаги фикр ва мулоҳазаларга тўлиқ қўшилмайсан. Унинг муаллифи ҳурматли Шоди Каримов ўзларининг мақолалари билан бизни биларга Ўзбекистон тарихи ва маданиятини ўрганишимизга улкан ҳиссаларини қўшишлар ва қўшиб келмоқдалар.

Ватанин, жумҳуриятимизнинг тарихи ҳамда маданиятининг ётишиб бораётган олий маълумотли инсон ҳисоблашимиз қийин деб ўйлаймиз. Бу ҳар бир тенқуримизга тушунарли.

Бизнинг олий билимгоҳида 1990 йилдан бошлаб «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» фан сифатида ўқитилмоқда. Биз бундан жуда хурсандимиз ва бу фанин ўқитилишини жуда зарур деб ҳисоблаймиз.

Н. БОБОМУРОДОВ, Л. БОБОЖОНОВА, ФЦ-91 гуруҳ талабалари. Жамми 22 имзо.

Бундан ташқари шу олий билимгоҳининг ФЦ-68 ва ФЦ-78 гуруҳлари талабалари **Б. ҚУРБОНМУРОТОВ, Ф. БОЗОРОВ** ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, мактуб йўллашган.

Қардош қозоқ халқида ажойиб бир одат бор. Ҳар бир маълумотли инсон ҳисоблашимиз қийин деб ўйлаймиз. Бу ҳар бир тенқуримизга тушунарли.

Бизнинг олий билимгоҳида 1990 йилдан бошлаб «Ўзбекистон тарихи ва маданияти» фан сифатида ўқитилмоқда. Биз бундан жуда хурсандимиз ва бу фанин ўқитилишини жуда зарур деб ҳисоблаймиз.

тарбияси бузилиб бормоқда, жамиятимизда ўғрилар, муттаҳамлар, беаҳд ва бузуқлар томир йўлмоқда.

Рўзномангизда чоп этилган Ш. Каримовнинг «Ватан туйғуси» сарлавҳали мақоласи бизга гоёт таъсир кўрсатди. Биз мақоладаги барча таъкид ва мулоҳазаларга қўшилмайсан. Фарзандларимизга Ўзбекистон тарихи ва маданиятини чуқур

миз гоёт муҳим. Исон ўзгани билмай туриб, ўзгани ҳурмат қилмайди, деб бежиз айтишмаган.

Урта Осий тиббиёт-педиатрия олий билимгоҳи 2-курсининг 24 талабаси имзо қўйган.

«Тарихни билмаган одам саводсиздир», — деган ибора бизни чуқур ўйлантириб қўйди.

И. Грозний, Николайлар ва Екатериналар тарихимиз ҳолини тўла-тўқис ўрганиб, Навоий, Темур, Улуғбек каби ўзбек халқининг буюк сиймо-лари ҳақида тўла мантқиқий бир фикрга эга эмасимиз. Яхши-якми, ўзбек мактабларида адабиёт фани сақланиб қолган.

Адабиёт дарсида Бобур, Навоий, Лутфий каби бобокалонларимиз ҳаётидан, уларнинг

ижтимоий, ҳам сийсий жиҳатдан етук бўлишимиз.

Д. СОЛИЕВА, А. МАҲМУДОВ, Жами 15 имзо. Тошкент Давлат дорилфунини ҳўқуқшунослик куллиятининг иккинчи курс талабалари.

Тахририятимизга Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирли

ушун «Ўзбекистон халқлари тарихи», «Энг қадимги замондан то XX асрнинг II ярмига қадар» тарихий тиласолларда» услубий қўлланма нашр этиш белгиланган.

Бундан ташқари 8-9-синфлар учун ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон халқлари тарихи» олий билимгоҳлари тарихий «Ўзбекистон халқлари тарихи» тарихидан ҳикоялар дорслигига мустақил ишлаш учун дафтарлар, диопозитивлар тайёрлаб қўйилди. Шунга ўхшаш ишлар бундан кейин ҳам давом эттирилади.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда муаллимлар олий билимгоҳларидаги ўқув режасида «Ўзбекистон халқлари тарихи»ни ўқитишни кўзда тутилмаган барча мутахассисликларда 30 соат ҳажмида ўргатишни тасвир этган. Ҳозирги кунда бу масала яна атрофлича кўриб чиқилмоқда. 1991 йил 4 февралда барча муаллимлар олий билимгоҳлари тарихий «Ўзбекистон халқлари тарихи» кафедраси билан биргаликда махсус йиғилиш бўлди. Бунда ўқув соатларини 34-70 соат ҳажмида белгилаш, мутахассисларнинг таъкид ва режаларини умумлаштириб, бу масалада алоҳида йўналишни ишлаб чиқиш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Тошкент Давлат дорилфуни ва муаллимлар олий билимгоҳлари тарихий олимларининг иштирокиде (раҳбари С. Саидқиров) олий ўқув юртлари талабалари учун «Ўзбекистон халқлари тарихи» дорслигини ёзиш йўлга қўйилган. Бу масалада ҳам бир ҳаёт қўшимча режаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Эксперт гуруҳининг хулосасидан сўнг янги ўқув йилдан бошлаб, ўқув режасига киришти режалаштирилмоқда.

Дорсликлар масаласи юзасидан умумтаълим мактабларининг 5-синфи учун мўлжалланган «Ўзбекистон халқлари тарихидан ҳикоялар» дорслиги, кечки мактабларнинг 7-11-синфлари учун «Ўзбекистон халқлари тарихи» дорслиги ҳамда ўрта мактаб ўқувчилари

«Еш ленинчи» рўзномасининг 1990 йил 20 декабрь 243-сониндаги «Ватан туйғуси» сарлавҳали мақола билан жумҳурият Халқ таълими вазирлиги таншииб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди:

Мақола жумҳурият ўқув юртларида ўз ўлкамиз халқларининг тарихини ўқитишга етарли эътибор берилмаганлигига қаратилгандир, бу ҳолисон тақдирий фикрдир. Аммо, мақолада келтирилган айрим фикрлардан шу нарса маълум бўлдики, муаллиф ўрта мактабларда назарлик томонидан бу соҳада олиб борилаётган ишлардан мутлақо беҳабар

Бизнинг тақлифимиз Ўзбекистон ССР тарихи фани барча мактабларда, олий билимгоҳларда қўшимча соатлар киритилган ҳолда мукаммал ўргатилсин, токи халқимиз ўзлигини, тарихини ўрганиб, тушуниб етсин. Шундангина биз ҳам

Наҳотки, Ўзбекистон фуқаросининг кўпчилиги қисмига нисбатан шундай дейиш тўғри бўлса? Наҳотки, мактаб, олий билимгоҳ ўқувчи-талабалари шунча йил «Ўзбекистон тарихи» курсидан ўтилган дарсларни «ўзлаштира олмагани бўлсалар, Балки улар тўлиқ ўқимагандирлар, натижада «кеч нарса» билмай қолавергандирлар.

Гап шундаки, «Ўзбекистон ССР тарихи» ёки умуман Ўзбекистон тарихи қандай ўрганилади ва ёни ўқитилади? Мактабларда тарихимизни ўрганиш учун ажратилган соатлар гоёт чекланган. Биз кўпроқ СССР тарихи дарсларини ўқиймиз. 10-синфининг охириги чораси ана шу курсга бағишланади. Шундан ҳам биз СССР тарихидан фақат А. Македонский,

Ўзбек халқи ўзлигини англаш учун қилган ишларини ўқиб, ўрганиб олганмиз. Лекин тарихимиз ривожига катта ҳисса қўшган Темур ҳақида ҳеч нима билмаймиз. Билмаймиз эмас, биламиз, уни жуда хунук, қонхўр сифатида ўргатишган.

Ўзбекистон ССР чегарасидаги Чернышевқа шаҳрини олайлик. Шунга йиллар давомида биз ўша жойини халқимизнинг киргани қилган бир қонхўр номи билан атадик. Шунинг ўрнига Темур номини берсак бўлмас-миди?

Бизнинг тақлифимиз Ўзбекистон ССР тарихи фани барча мактабларда, олий билимгоҳларда қўшимча соатлар киритилган ҳолда мукаммал ўргатилсин, токи халқимиз ўзлигини, тарихини ўрганиб, тушуниб етсин. Шундангина биз ҳам

Наҳотки, Ўзбекистон фуқаросининг кўпчилиги қисмига нисбатан шундай дейиш тўғри бўлса? Наҳотки, мактаб, олий билимгоҳ ўқувчи-талабалари шунча йил «Ўзбекистон тарихи» курсидан ўтилган дарсларни «ўзлаштира олмагани бўлсалар, Балки улар тўлиқ ўқимагандирлар, натижада «кеч нарса» билмай қолавергандирлар.

Гап шундаки, «Ўзбекистон ССР тарихи» ёки умуман Ўзбекистон тарихи қандай ўрганилади ва ёни ўқитилади? Мактабларда тарихимизни ўрганиш учун ажратилган соатлар гоёт чекланган. Биз кўпроқ СССР тарихи дарсларини ўқиймиз. 10-синфининг охириги чораси ана шу курсга бағишланади. Шундан ҳам биз СССР тарихидан фақат А. Македонский,

Ўзбек халқи ўзлигини англаш учун қилган ишларини ўқиб, ўрганиб олганмиз. Лекин тарихимиз ривожига катта ҳисса қўшган Темур ҳақида ҳеч нима билмаймиз. Билмаймиз эмас, биламиз, уни жуда хунук, қонхўр сифатида ўргатишган.

Ўзбекистон ССР чегарасидаги Чернышевқа шаҳрини олайлик. Шунга йиллар давомида биз ўша жойини халқимизнинг киргани қилган бир қонхўр номи билан атадик. Шунинг ўрнига Темур номини берсак бўлмас-миди?

Бизнинг тақлифимиз Ўзбекистон ССР тарихи фани барча мактабларда, олий билимгоҳларда қўшимча соатлар киритилган ҳолда мукаммал ўргатилсин, токи халқимиз ўзлигини, тарихини ўрганиб, тушуниб етсин. Шундангина биз ҳам

